

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4354-сонли Фармони

- 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундирилмайди;
- Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайди.
-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4455-сонли Фармони

- Хўжалик юритувчи субъектларнинг (*кредит ташкилотларидан ташқари*) давлат рўйхатидан ўтгунга қадар устав фонди бир қисмини тўлаш талаби, устав фондини бир йил давомида шакллантириш мажбурияти сақлангани ҳолда бекор килинди;
- Кичик бизнес субъектларининг банк ҳисоб ҳисоб варақларини очиш учун имзолар намунасини нотариал тасдиқлаш, шу жумладан бухгалтернинг иккинчи имзосининг имзолар намунасида мавжудлиги бекор килинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4609-сонли Фармони

- Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тўланганда банк хизмати олинмайди;
- Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварағи операцияларини тўхтатиб туриш фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилади;
- Кичик бизнес субъектлари кредит ресурсларидан янада кенг фойдаланиши учун банклар қарз оловчилар томонидан кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тақдим қилинган мол-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сонли Қарори

- миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига электрон шаклда тақдим этилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони

- 2015 йил 1 июлдан микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар тўрт йилда бир марта ўтказилади;
- Бошқа хўжалик субъектларида фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир марта ўтказилади;
- Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги лозим;
- Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади;
- 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, ҳар бир ёлланган ишчи учун Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш хакининг 50 фоизида суғурта бадали ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шarti билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳукуки берилади;
- Яқка тартибдаги тадбиркорлар коллеж битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб 12 ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.